

А Ж Р И М

(Озодликни чеклаш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақида)

2023 йил ноябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси И.Жаббаров, судья ёрдамчиси Б.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Муллаев, Чортоқ туман ИИО ПГ инспектори Э.Кулматовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан маҳрум Юлдашев Иброхим Сативолдиевичга нисбатан киритилган Чортоқ туман ИИБ бошлиғининг озодликни чеклаш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш тўғрисидаги тақдимномасини иш материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Юлдашев Иброхим Сативолдиевич 1968 йил 11 июлда Тошкенти шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оиласи билан ажрашган, ишсиз, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Собир Рахимов туман судининг 2009 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” банди ва 109-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2013 йил 08 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 6 йил 2 ой 19 кун жазоси, ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 2019 йил 12 август куни тўлиқ ўтаган. Чортоқ тумани, Оромгоҳ МФЙ, Саломатлик кўчаси, 5-уйда яшайди.

Чортоқ туман ИИБ томонидан келтирилган тақдимномада маҳрум И.Юлдашев жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2023 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида, 1 йил 5 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган. Чортоқ тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига 2023 йил 21 июнь куни № 299-сон билан ҳисобга олиниб ижрога қаратилгани ва шу куни унга озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиб-қоидалари, суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)лар



ва мажбуриятларига амал қилиш тартиблари тушунтирилгани, ёзма равишда таништирилгани, ундан тушунтириш хати ва тилхат олинганлигини, лекин маҳкум Юлдашев Иброхим Сативолдиевич суд томонидан юклатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этмасдан, 2023 йил 07 ноябрь куни қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланган, ҳолат юзасидан шу куни ИИБга чақиртирилиб, ўзидан тушунтириш хати олинди, туман ИИБ бошлиғи томонидан огохлантириш интизомий жазоси эълон қилинган. 2023 йил 19 ноябрь куни ўрганилганда унга қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан 2023 йил 20 ноябрь куни И.Юлдашевга иккинчи марта огохлантириш интизомий жазоси эълон қилинган, ҳолат юзасидан холислар иштирокида далолатнома тузилган.

Тақдимномада, Суд ажримини ижросини таъминлаш мақсадида ўталмай қолган 1 йил 12 кун озодликни чеклаш жазосини бошқа жазо турига алмаштириш лозимлиги сўралган.

Суд мажлисида маҳкум И.Юлдашев ҳақиқатдан ҳам Чортоқ туман судининг 2023 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 5 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, Чортоқ тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига 2023 йил 21 июнь куни № 299-сон билан ҳисобга олинди, ижрога қаратилгани ва шу куни унга озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиб-қоидалари, суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)лар ва мажбуриятларига амал қилиш тартиблари тушунтирилиб, ёзма равишда таништирилгани, ундан тушунтириш хати ва тилхат олинганлигини, лекин у суд томонидан юклатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этмасдан, 2023 йил 07 ноябрь куни қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланган, ҳолат юзасидан шу куни ИИБга чақиртирилиб, ўзидан тушунтириш хати олинди, туман ИИБ бошлиғи томонидан огохлантириш интизомий жазоси эълон қилинган. 2023 йил 19 ноябрь куни ўрганилганда унга қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан 2023 йил 20 ноябрь куни И.Юлдашевга иккинчи марта огохлантириш интизомий жазоси эълон қилинган, ҳолат юзасидан холислар иштирокида далолатнома тузилганлиги. ҳозирда айбини тушуниб етганлиги, унга яъна бир бор имконият берилса суд томонидан белгиланган тақиқларга тўлиқ риоя этишлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, тайинланган жазони ўташи, тақдимномани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд мажлисида сўралган Чортоқ туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи инспектори Э.Кулматов И.Юлдашев жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2023 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 5 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланганлиги, Чортоқ тумани ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига 2023 йил 21 июнь куни № 299-сон билан ҳисобга олинди, ижрога қаратилгани ва шу куни унга озодликни чеклаш жазосини ўташ



тартиб-қоидалари, суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)лар ва мажбуриятларига амал қилиш тартиблари тушунтирилиб, ёзма равишда таништирилгани, ундан тушунтириш хати ва тилхат олинганлигини, лекин у суд томонидан юклатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этмасдан, 2023 йил 07 ноябрь куни қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланган, ҳолат юзасидан шу куни ИИБга чақиртирилиб, ўзидан тушунтириш хати олиниб, туман ИИБ бошлиғи томонидан огоҳлантириш интизомий жазоси эълон қилинган. 2023 йил 19 ноябрь куни ўрганилганда унга қўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан 2023 йил 20 ноябрь куни И.Юлдашевга иккинчи марта огоҳлантириш интизомий жазоси эълон қилингани, ҳолат юзасидан холислар иштирокида далолатнома тузилганлиги, маҳкум И.Юлдашевга суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)ларни бажармасдан жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг ҳукми ижроси таъминланмасдан қолаётганлиги сабабли ўталмаган озодликни чеклаш жазосини бошқа жазо турига алмаштиришни сўради.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, иш бўйича маҳкум И.Юлдашев, Чортоқ туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи инспектори Э.Кулматовнинг кўрсатувлари, туман прокурори ёрдамчиси Ш.Муллаевнинг фикрини тинглаб, Чортоқ туман ИИБ томонидан келтирилган тақдимномани қаноатлантириб, маҳкум И.Юлдашевга нисбатан жиноят ишлар бўйича Чортоқ туман судининг 2023 йил 30 майдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган 1 йил 12 кун озодликни чеклаш жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириб, тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 48¹-моддасида “Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди” деб кўрсатилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, маҳкум И.Юлдашевга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазоси туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи томонидан ижро қилиш учун қабул қилиниб, унга жазо ўташ тартиби ва шартлари тушунтирилиб, ёзма равишда таништирилган бўлишига қарамай суд томонидан белгиланган тақиқ (чеклов)ларни қўпол равишда такроран бузиб, суд тайинлаган озодликни чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаган.

Юқоридагиларга кўра, суд жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг ҳукми ижросини таъминлаш мақсадида маҳкум И.Юлдашевга жазони ўташдан бош тортганлиги учун жавобгарлик тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилганлиги, суд ҳукмида кўрсатилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини 2023 йил 07 ноябрь куни бузганлиги, бундан ташқари 2023 йил 19 ноябрь куни ўрганилганда унга



кўйилган “спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик” ҳақидаги чекловини бузганлиги, жазони ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб суд, тақдимномани қаноатлантиришни, И.Юлдашевнинг ўталмай қолган 1 йил 12 кун озодликни чеклаш жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 536, 541-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И.

Чортоқ туман ИИБ томонидан маҳкум Юлдашев Иброхим Сативолдиевичга нисбатан келтирилган тақдимнома қаноатлантирилсин.

Маҳкум Юлдашев Иброхим Сативолдиевичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2023 йил 30 майдаги ҳукми билан алмаштирилиб, ўталмаган 1 йил 12 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Маҳкум Юлдашев Иброхим Сативолдиевич суд залидан қамоққа олинсин ва Чортоқ туман ИИБ орқали Наманган вилоят ИИБ 6-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 29 ноябрь кунидан бошлаб ҳисобланиб, қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Ажримни ижро қилиш Чортоқ туман ИИБ ва Наманган вилоят ИИБ 6-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

и м з о

И.Жаббаров

“Аслига тўғри”

Туман судининг раиси

И.Жаббаров

